ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

MAHALLA

Ўзбекистон "МАҲАЛЛА" хайрия жамғармасининг нашри

№ 84-85 (216-217) | 2000 йил 22 ноябрь, чоршанба | Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган | Сотувда эркин нархда

БАЙРАМЛАРГА ТАЙЁРГАРЛИК ҚИЗҒИН

Кеча Вазирлар Маҳкамасида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун - 8 декабрь умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш республика ташкилий қўмитасининг мажлиси бўлди.

Шунингдек, мажлисда Янги йил байрамида «Президент арчаси»ни ўтказишга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш борасидаги масала ҳам кўриб чиқилди.

Унда тегишли вазирлик, қўмита, идора, уюшма, корхона ва ташкилотлар раҳбарлари иштирок этди.

Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Ҳ.КАРОМАТОВ бошқарди.

Янги аср бўсағасида 8 декабрь нафақат Қомусимиз байрами сифатида, балки озодлик, ҳурлик, инсонийлик, меҳр-мурувват ва саховат рамзи сифатида ҳам янада кенг нишонланади. Чунки, Асосий Қонунинимиз мустақил мамлакатимиз ҳаётининг бош дастури, инсон ҳуқуқлари, миллий ва умумбашарий қадриятлар, адолат ва қонун устуворлигининг бош белгисидир.

Айни вақтда мамлакатимизда бошланган бундай хайрли тадбирлар янги йил байрами тантаналарига ҳам уланиб кетади.

***

Саккизинчи йилдирки, болажон Юртбошимиз Янги йил арафасида Арча байрами баҳона фарзандларимиз кўнглига хушнудлик, яхши кайфият, ҳаётга муҳаббат туйғусини бахш этади.

Мажлисда қатнашганлар етим-есирларнинг бошини силамоқ, боқувчисини йўқотган, кам таъминланган оилалар фарзандини йўқлаб эл-юрт қатори яйраб-яшнаб Янги йилни кутиб олмоғини таъминламоқ мақсадида бу файзли, барокатли, эзгу мақсадга йўналтирилган тадбирни кўнгилли ўтказишга, ҳам маънан, ҳам моддий рағбатлантиришга астойдил киришишга тайёр эканликларини билдиришди.

«Президент арчаси» томошалари 29-30 декабр кунлари пойтахтнинг энг ҳашаматли «Туркистон» саройида ҳамда барча вилоятларда, туманларда бўлиб ўтади.

«Президент арчаси»ни ташкил этиш, ўтказиш ишчи гуруҳининг раҳбари, Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси раиси Шуҳрат Жалилов, бу йилги байрамни ҳар йилгидан ўзгача, ҳаяжонли, болаларимиз умр бўйи эслаб юрадиган қилиб ўтказиш тараддуди кетаётганини, Юртбошимиз бунинг учун ҳеч нарсани аямаётганликларини таъкидлади.

Мажлисда «Президент арчаси»ни ўтказиш билан боғлиқ бўлган барча ташкилий ишлар юзасидан тегишли режалар тузилиб, келишиб олинди.

ЎзА ва ўз мухбиримиз хабарлари асосида.

ПРЕЗИДЕНТНИНГ РИМДАГИ УЧРАШУВЛАРИ

РИМ, 21 ноябр. ЎзА махсус мухбири Анвар Каримов хабар қилади:

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ташрифининг иккинчи куни Италия Республикаси Президенти Карло Адзелио Чампи билан учрашувдан бошланди.

Дастлаб Италия Президентининг Квиринали саройидаги қароргоҳида ўзбекистонлик олий мартабали меҳмонни расмий кутиб олиш маросими бўлди.

Ислом Каримов ва Карло Чампининг расмий делегациялар аъзолари иштирокида ўтказилган учрашувида ўзаро муносабатлар, алоқаларнинг ҳозирги аҳволи ва истиқболлари хусусида сўз борди.

Шундан сўнг мамлакатимиз делегацияси Римдаги алоҳида давлат - Ватиканга йўл олди. Бу ерда Ислом Каримов билан Рим Папаси Иоанн Павел Иккинчининг учрашуви бўлиб ўтди. Рим Папаси ҳар куни ўз ибодатларида Яратгандан Ўрта Осиё давлатлари, хусусан, Ўзбекистон халқига тинчлик, қут-барака ва осойишталик тилашини айтди.

Ислом Каримов Рим Папасига зарбоф тўн тақдим этди.

Мамлакатимиз Президенти Ватикан ҳукуматининг раҳбари кардинал А.Содано билан ҳам учрашди.

Президентимиз Италиянинг етакчи ташқи савдо ташкилотлари - Ташқи савдо институти, «САЧЕ» ва «СИМЕСТ» ташкилотлари раҳбарлари билан мулоқотда бўлди.

Маълумки, «ФИАТ» гуруҳига кирувчи «Кейс-Нью Ҳолланд» компанияси Ўзбекистонда кенг фаолият юритиб келаяпти. Римда Ислом Каримов мазкур компания раҳбарларини қабул қилди.

Оқшом Ислом Каримов Италия Республикаси Ташқи ишлар вазири Ламберто Дини билан суҳбатлашди. Унда мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро сиёсий ва иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш тўғрисида сўз борди. Учрашув якунида икки томонлама ҳужжатлар имзоланди.

Президент Ислом Каримовнинг Италияга расмий ташрифи давом этмоқда.

ЎзА.

МУНОСАБАТ:

«Савол шаърий бўлса, жавоб кўнгиллидир»
8 ноябр

РОСТДАН ҲАМ ШУУРИМИЗ ҚАЙРОҒИ БЎЛДИ

«Mahalla»нинг 4-саҳифасида мунтазам бериб борилаётган Фозил қори Ёсин ўғли Собировнинг дин одоби борасидаги мақолаларини ростдан ҳам шууримиз қайроғи, дейиш мумкин. (Эътибор беринг-а, шу мақола босилаётган саҳифанинг бир бурчида «Шууримиз қайроғи» деган ибора битилган.)

Муаллифнинг 8 ноябр кунги сонида эълон қилинган «Савол шаърий бўлса, жавоб кўнгиллидир» мақоласи эса тўғриси, қалбимизда қайнаб, аммо жавобини тополмай юрган кўплаб саволларга битта, аммо муносиб жавоб бўлди.

Тўғриси, эл қатори Оллоҳ фарз қилган инсоний мажбуриятларни бажариб юриб, баъзи мусулмонларимизнинг хатти-ҳаракатларига, сўзларига ҳайрон қоласан, киши. Яқинда галдаги жума номозини ўқиш олдидан баҳслашаётганларнинг гапи қулоғимга чалинди. Тажрибалироқ номозхон ёшларга ўргатаяпти: «Сен кечаги жумада номозни бир ерда ўқиган бўлсанг, бугун сал нарироқда ўқи, кейингисини яна бошқа жойда ўқи», деб. Эмишки, ер унинг номоз ўқиганлигига гувоҳлик берармиш, қанча кўп ҳар хил ерда ўқиса, гувоҳлик шунча кўп бўлармиш. Бу кимдан чиққан фалсафа, қайси китобда ёзилган? Баъзан номоздан чиқиб тортишиб кетаётганларни кўрамиз. Мавзу битта: бундай ўқиш керак эди, сен бундай ўқидинг. Баъзан «сенинг номозинг қабул эмас», дегувчилар ҳам бор.

Менинг назаримда «Савол шаърий бўлса, жавоб кўнгиллидир» мақоласи ҳар бир мусулмоннинг назаридан бир-бир ўтиши бугунги ҳаёт тақозоларидан биридир. Негаки, биз шууримизни мусаффолаб боришимиз керак экан.

Айниқса, муаллифнинг «Сафарда бир арабий»нинг саволларига берган жавоблари таъкид этилган «Суҳбати аҳли муслим» шеъри бугунги мустақил Ўзбекистоннинг, Юртбошимизнинг мақсад ва йўналишларини ниҳоятда табиий тил орқали ифодаси сифатида бизни мамнун этди. Зотан, **«... бунёд ажиб озоди давлат»** деб юртимизнинг бугунги ҳаётини мухтасар сатрларда ифода этиш ҳам дунёдаги барча мўмин мусулмоннинг Ўзбекистон ҳақидаги тасаввурини бойитгандек, ўзимизга ҳам юртимиз эришаётган ютуқни кўз-кўз қилгандек бўлди.

Раҳимжон ҳожи АКРАМОВ.

ШУ СОНИНГ

2-саҳифасида:

- **Ислоҳотлар даврида Вольфганг Шрайбер маҳаллалар фаолиятига юксак ишонч билдирди.**

3-саҳифасида:

- **...Эрни шоҳ этар, гарчи бўлса у гадо...**
- **Алишер унинг қўйнини пуч ёнғоққа тўлдириб, кўнмаганига қўймади...**
- **Қўшничилик - осойишталик манбаи.**

4-саҳифасида:

- **Бир етимнинг кўзёшини тўкмоқлик еру осмонни ларзага келтиради.**
- **Марҳабо, ё шаҳро Рамазон!**

«MAHALLA»НИНГ ХАТ ҚУТИСИДА САҚЛАНАЁТГАН МАКТУБЛАРДАН

«ПРЕЗИДЕНТ АРЧАСИ» ҚАЛБИМИЗ ДАРИЧАСИ

Ўтган йили янги йил арафасида таътилга чиққан кунларим эди. Китоб ўқишдан чарчаб, деразадан кўчага қараб ўтирсам, қўшниларимизнинг болаларини, синфдош дугоналаримни «Янги йил совғаси»ни кўтариб, чақ-чақлашиб келаётганини кўрдим. Уларга ҳавасим келди. Менинг ҳам Арча атрофида ҳамма қатори ўйнаб-кулгим келди.

Шу кунлари худди эртакдаги сеҳрли Қорбобога ўхшаб, «Қоратош» маҳалламизнинг Оқсоқоллари эшикни тақиллатиб келиб қолдилар.

- Болам, сенга Ўзбекистонимизнинг энг катта Отаси, Президентимиз Янги йил арчасига «Таклифнома» юборибдилар. Эртага «Халқлар дўстлиги» саройига бор, дедилар.

Қувонганимдан кўз ёшларимни тўхтатолмай, оқсоқолнинг бағрига кириб кетибман.

- Бутун Ўзбекистон болаларини, ўз болам, деганлар, жоним аро жон деганлар Юртбошимиз.

Ўша, ўша «Президент арчаси»нинг совға қутичаси уйимизнинг тўрида туради. Ҳар кўрганда хурсанд бўламиз. Умрбод миннатдормиз.

Умида РАСУЛХЎЖАЕВА,
Тошкент шаҳридаги 324-мактаб ўқувчиси.

БУ СИЙЛОВНИ АВЛОДЛАР КЎРМАГАН

Саксон ёшни қоралаб қолдим. Ўн икки фарзандни вояга етказдим, Худога шукр. Буларни айтишдан мақсадим, шунча болани ўстиришнинг ўзи бўлмайди. Айтадиларку, бир чумчуққа ҳам дон керак, ҳам сув керак, деб. Ҳаммаси ортда қолди.

Ҳозирги кунда, эшитиб қоламан, давлат янги чақалоққа суюнчи берармиш, икки ёшгача боласи бор онага, бола тарбияси учун пул берармиш, 16 ёшгача боласи бўлган оналар ёрдам пули олармиш, деб. Барака топгур Президентимиз етим-есирларга, мискин оилаларнинг болаларига ўксинмасин, деб Арча байрамини ҳам қилиб берарканлар. Тағин, барча баробар баҳраманд бўлсин, деб бизникига ўхшаган чекка жойларга ҳам етказар эканлар Янги йил совғаларини.

Гапнинг очиғи, жуда мамнун бўлдим. Болаларимизга оталарча ғамхўрлик қилиб, улуғ ибрат кўрсатаётган Юртбошимиз икки дунё саодатига мушарраф бўлсинлар.

Тўрткўл тумани.

Мунаввар Эшчонова, кўп болали табаррук она.

«MAHALLA»GA ЖАВОБ

«ҚУВУРДАГИ ҒУВУРЛАР»

13 сентябр

«ЖУМБОҚЛИ ЖАВОБ»

1 ноябр

Шу йил 13 сентябр сонида босилган «Қувурдаги ғувурлар» сарлавҳали танқидий мақолада кўрсатилган муаммо туман Назорат инспекцияси ходимлари томонидан чуқур ўрганиб чиқилиб бугунги кунда тўлиқ бартараф этилди. Шикоят қилган хонадонлар сув билан таъминланди.

Мақолада кўрсатилган масалаларни ҳал қилинишига эътиборсизлик билан ёндошганлиги, «Mahalla» газетаси таҳририятига жавобни нотўғри расмийлаштиргани учун мутасадди ходимлар тегишли равишда жазоландилар.

Равшан ҲАМИДОВ,
Миробод туман ҳокими ўринбосари, Назорат инспекцияси раҳбари.

МУНОСАБАТ: «ВАКОЛАТ ОҒИРЛИК ҚИЛМОҚДА...» **18 октябр**

ҲАРАКАТ ҲАМ, ҲАРАКАТСИЗЛИК ҲАМ ДАШНОМ ОЛАВЕРСА...

Маҳаллада ишласангиз, жамоат ишининг ҳам ташвишли, ҳам ўзига яраша мароқли жиҳатларини кузатасиз. Идорадаги жанжаллардан бошим чарчаб, эндигина тушликка чиқаман деб тургандим, почтачи «Mahalla» газетасининг навбатдаги сонини келтириб қолди. Одатимга кўра, газетанинг саҳифаларини кўздан кечира бошладим. «Ваколат оғирлик қилмоқда...» сарлавҳали мақолага кўзим тушди-ю, бу мавзу долзарблигини ҳис этиб дарҳол ўқиб чиқдим. Дарҳақиқат, мақола муаллифи Сайёра Бозорова ёзганидек, маҳалла фаолларига бўлган ишончсизлик муносабати бизларда ҳам мавжуд. Маҳалла-кўй, ҳамқишлоқларим манфаати учун елиб-югураману, лекин барибир барчага бирдек ёқиш мумкин эмас экан. Биз оқсоқоллларнинг ихтиёримизда автомобиллар йўқ. Шахсий машинамизни миниб иш жараёнида фойдаланайлик десак, ёқилғисини ким таъминлайди. Гарданимиздаги ваколатлар эса ниҳоятда кўп. «Ҳой, маҳалла сардори, қандай ишлаяпсан, фуқаролар кўнглига қандай йўл топаяпсан, нима ёрдам керак?» дейдиганлар ҳам ҳадеганда топилавермайди. Идорамизга ким ташриф буюрса, «бу ишни қилиб бер, анави тадбирни ташкиллаштирвор» деган илтимосу буйруқлардан нарига ўтмайди. Худди шу маънода моддий ёрдам маблағини аҳолига тақсимлашда ҳам барчага бир хил муносабатда бўлолмайсиз. Бирорта хонадон моддий ёрдам белгиловчи комиссия ишидан норози бўлса, ўртага одам қўйиб уйингизгача келишади. Оқсоқоллардан, ҳаракат қилиб ишласа ҳам, ишламасдан юриб ҳаракатсиз бўлса ҳам ҳамма норози бўлаётгандек туюлади.

Сайёра АЗАМАТОВА,
Ғузор тумани,
Шакарбулоқ қишлоқ фуқаролар йиғини раиси.



«Бу дунёнинг сиру синоатларини ақл билан ечинг, невараларим»

СУД ҲУКМИДАН СЎНГ...

НИЯТИ ҚОРАНИНГ ЮЗИ ҲАМ ҚОРА

Во ажабо, бугун Ватан хоини деб эълон қилинган инсон бир вақтлар итга айланишни истаган экан...

Мен қўшиқ айтаман. Табиийки, қўшиқбоп чиройли шеърлар қидираман...

Поччам антиқа тадбиркор. Аҳолидан, ташкилотлардан чиқит қоғоз - макулатуралар, эски-туски латталар, қийқим, ташландиқ увадалар йиғиб олади. Заводга етказилиб қайта ишланади. Томёпқич ашё - қорақоғоз ишлаб чиқаришади. Ана шундай чиқинди қоғозларни дарвозаси олдига тўкиираётганида бир китобча оёғим остига келиб тушганди. Қўлимга олсам, Муҳаммад Солиҳнинг китоби экан. Беихтиёр варақлаганимда бир шеърга кўзим тушди. Мазмуни шундай: «Ит ҳуряпти. Одамлар эса жим туряпти. Ит занжирини узугдай интиляпти. Менинг унга ҳавасим келяпти. Қанийди итга айлансам...» Шу холос!

Во ажаб, вақтли матбуотда «Прокуратура айбномаси»ни ўқиб, телевиденеда суд жараёнини кузатиб даҳшатга тушдим.

Эскиларда бир нақл бор: Киши нимани ният қилса... Солой Мадаминов (Муҳаммад Солиҳ) ҳов ўша, «шоирлик» йилларидаёқ ит бўлиш, талаш, ҳамюртларини қопиш учун интилиш ниятини қилгани ва...

Шунинг учун ҳам кексаларнинг «Яхши ният қилишга одатланинглар» деган ўгитини доимо ёдда тутиш кераклигини ҳис этасан киши.

Яна бир мулоҳаза: Қилдан қийиқ излаш, ҳамма нарсаларнинг фақат қора томонларини топиш, воқеа-ҳодисаларга эзгу ният билан эмас, «Қора кўзойнак» тақиб қараш оқибати ҳам ачинарли - ёмон ниятни туғдиради. Бундай «қараш»ларни «танқидий руҳда», «танқидий мулоҳаза» билан хаспўшлаб келишади. Холисликни қўлдан бой бериб қўйишади. Муҳаммад Солиҳнинг аксарият шеърларида ана шунақа инжиқлик, доимий норозилик, аламзадалик ҳукмрон эди. Айбсиз дўст қидирган дўстсиз қолади, дейишади. Юртини севмаса, юртдошларига дўстона назар ташлай олмаса ҳам ёлғиз қолар экан киши. Эл-юрт назаридан қолиб - яккаланиб, хор-зорликка, дарбадар тентирашга маҳкум бўларкан.

Ана шуларни ўйлар экансан, баъзи бир чет эл оммавий ахборот воситаларига хизмат қилиб турган юртдош мухбирларнинг қуюшқондан чиқиб кетаётганидан кўнглинг ғаш тортади.

Менинг ижодкор дўстларимизга, юртимизда юз бераётган воқеаларга теран кўз билан қарайлик, холис баҳо берайлик, дегим келади. Акс ҳолда Мадаминов Солой ёзган китобни чиқитлар ичидан топмаган бўлардим. Қора сақичга булғаниб - қорақоғозга айланишидан қанақа тасаввурга эга бўляпсиз? Мен қоп-қора тортишида рамзий маъно борлигини туйяпман. Ўзи сингари китоби ҳам қора бўлиб кетмаяптими?

Ойпошша УЛУҒХЎЖАЕВА,
«Ўзбекнаво» концерт-гастрол бирлашмаси Наманган бўлими хонандаси.
Наманган вилояти, Чортоқ тумани, Алихон маҳалла фуқаролар йиғини.

MAHALLA
Ўзбекистон "МАҲАЛЛА" хайрия жамғармасининг нашри

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00123-рақам билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи: 148

Хомий: «Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти

Тахририят манзили: Тошкент, Буюк Турон кўчаси,41-уй

Телефонлар: Хатлар бўлими: 136-53-75, масъул котиб: 136-53-75 ижодий бўлимлар — 136-53-82,

Қабулхона — 136-53-93. Тел/Факс: — 133-44-25.

Мақола ва хабарлар мазмуни, факт ва рақамлар учун муаллифлар масъулдирлар.

E-mail:mahalla@gazeta.silk.org

Сирдарё

КОНРАД АДЕНАУЭР ВА МАҲАЛЛА

ТАКЛИФЛАР АМАЛГА ОШСА...

Конрад Аденауэр жамғармасининг мамлакатимиздаги жамғармалар, турли марказлар билан ҳамкорликда ўтказаётган «Номарказлаштириш - маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг негизи. Қишлоқда ислоҳотларни ривожлантиришда ёшларнинг роли» мавзуларидаги семинарлари маҳалла вакиллари, ишбилармон ва тадбиркорлар, деҳқон-фермерлар ва ёшлар учун ғоят муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шу йилнинг май ойида вилоятимиздаги жамғарма юқорида зикр этилган мавзудаги семинарнинг биринчи босқичини ўтказган эди. Яқинда семинарнинг иккинчи босқичи Сирдарё туманида бўлиб ўтди. Туманда фаолият кўрсатаётган тадбиркорлар, деҳқон-фермерлар, ёшлар вакиллари ҳамда журналистлар иштироқида бўлиб ўтган мазкур семинарни Сирдарё тумани ҳокими, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати Исроил Эрбеков қисқача кириш сўзи билан очди.

Конрад Аденауэр жамғармасининг минтақавий мухтор вакили Вольфганг Шрайбер семинар иштирокчиларини қутлар экан, жамғарманинг Ўзбекистондаги фаолияти хусусида алоҳида тўхталди.

«Маҳалла» жамғармаси, унинг қуйи бўғинлари фаолиятига батафсил тўхталди. Ислоҳотлар жараёни жадал давом этаётган ҳозирги даврда маҳаллаларнинг фаол ташкилотчиларга айланиши лозим, деди у.

Шундан сўнг семинар гуруҳларга бўлиниб, ўз ишини давом эттирди. «Семинарнинг биринчи босқичида белгиланган ва қишлоқни ислоҳ қилишга йўналтирилган режаларни амалга оширишдаги муваффақият ва муаммолар» мавзуида маҳалла, тадбиркорлар, фермерлар ва матбуот гуруҳларининг фаол вакиллари иштирокида қизғин мунозара бўлди. Мунозарада «Маҳалла» жамғармаси Сирдарё туман бўлимининг раиси Комилжон Бегимов, вилоят «Тадбиркор аёл» уюшмаси раисининг ўринбосари Муқаддас Маликова, тумандаги «Пахтазор» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Турсунбой Аҳмедов сўзга чиқиб, маҳаллаларда тадбиркорликни ривожлантиришга эркинлик бериш ҳақида мунозара қилдилар.

Куннинг иккинчи ярмида семинар қатнашчилари тумандаги «Малик» ширкатлар уюшмасидаги «Тинибек бобо», «Синдоробод» ширкат хўжалигидаги «Қўқон» деҳқон-фермер хўжаликларига бориб, уларнинг фаолияти билан танишдилар.

Ж.ҚОСИМОВ,
Т.НОРҚУЛОВ.

Энг яхши режалар ҳам, олижаноб мақсадлар ҳам, кўзланган эзгу ниятлар ҳам ҳаётий бўлмаса, халқ оммаси томонидан қўллаб-қувватланмаса бефойда, бесамардир.

ҲАМКОРЛИКДА, ҚУЛАЙ ШАРОИТДА ИШЛАШ САМАРАСИ

Шунинг учун, ЮНЕСКО ва ЮНФПАнинг «Репродуктив саломатлик қўшма лойиҳаси» ҳамда, «Соғлом авлод

давлат дастурининг, шу соҳадаги Ўзбекистон «Маҳалла» жамғармаси тадбирларининг ҳозирги кунда ва келажакда нақадар фойдали мақсадларга қаратилганлигини кенг жамоатчиликка етказиш, тушунтириш ва улар томонидан сиёсий, оммавий ҳамда ташкилий жиҳатдан қўллаб-қувватланишини, жорий қилинишини таъминлаш жуда муҳим аҳамиятга эгадир.

Зеро, ушбу Лойиҳа, фаолиятнинг энг асосий омили ҳазрати Инсон манфаатига, Ҳукуматимизнинг соғлом авлодни тарбиялашга, юксак умуминсоний қадриятларга таянган ҳолда маънавий бой, ахлоқан етук, интеллектуал ривожланган, юқори билимли, жисмонан бақувват, ҳар томонлама камол топган шахсни шакллантиришга йўналтирилган кенг қамровли чора-тадбирларини рўёга айлантиришга қаратилгандир.

ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, Республика «Маҳалла» жамғармаси ҳамда унинг Қорақалпоғистон Республикаси бўлими, Тўрткўл, Беруний, Эллик Қалъа, Амударё бўлинмалари, ҳокимликлари, «Саломатлик» марказлари томонидан Тўрткўл шаҳрида ташкил этилган семинар ана шу муҳим мақсадни амалга оширишни мўлжаллаб ўтказилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, семинарда ЮНЕСКО Лойиҳасининг координаторлари Комилжон Аҳмедов, Ўзбекистон «Маҳалла» жамғармаси раисининг муовинлари Рустам Бобожонов ва Расул Раҳмонов, Тўрткўл туман ҳокими Турсунбой Таъниберганов, Қорақалпоғистон мусулмонлари қозиси Муроджон Абдиев, Қорақалпоғистон Республикаси соғликни сақлаш вазирлиги вакиласи Серигул Бозорова маърузаларида ҳамда бошқа жамоат ташкилотлари, овул, маҳалла фуқаролар йиғинларининг, жамоат ва соғлиқни сақлаш муассасалари фаолларининг чиқишларида юқорида санаб ўтилган лойиҳа, тадбирларининг нақадар долзарб ҳам ҳаётий эканлигига урғу берилди. Шу билан бирга уларни ҳаётга тадбиқ этиш йўлидаги қатор жиддий муаммоларга тўхтаб ўтилди. Мавжуд масалаларни ҳал этиш юзасидан қимматли таклиф ва мулоҳазалар билдирилди. Умумий хулосага келсак, пухта ўйлаб, халқимиз манфаатини, сиҳат-саломатлигини, келажак авлоднинг жисмонан бақувват бўлишлигини, жамиятимиз тараққиётини кўзлаб, ишлаб чиқилган ушбу тадбирларни рўёбга чиқариш учун ҳокимликлар, вазирликлар, - жамоат ташкилотлари ҳамда ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат-нотижорат идоралари фаолиятини мувофиқлаштириш, уларнинг ҳамкорликда, ҳамжиҳат иш олиб боришларига эришиш жуда фойдали, янада самарали бўлади. Бунда республикамиздаги барча даражадаги ҳокимликларнинг, ўзини ўзи бошқариш органларининг саъй-ҳаракати беқиёсдир.

ЎЗ МУХБИРИМИЗ.

Суратларда: Тўрткўл тумани ҳокими Турсунбой Таъниберганов семинарни очмоқда.
Туман хотин-қизлар қўмитасининг раиси Клара Сержанова, «Маҳалла» жамғармаси туман бўлинмаси раиси Рустам Султонов.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН: НОДАВЛАТ, НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИДА

«ОРОЛНИНГ ОЛТИН МЕРОСИ»

Бугун, ҳеч шубҳасиз Орол дарди - олам дардига айланди. Экологик офат зонасида истиқомат қилаётган аҳолига баҳоли қудрат кўмак бериш, уларнинг яшаш ва ишлаш шароитларини яхшилашга кўмаклашиш мақсадида Жаҳон ҳамжамияти, хорижий халқаро ташкилотлардан ташқари Қорақалпоғистонда ташкил этилган бир неча ўнлаб нодавлат, нотижорат ташкилотлар ҳам самарали фаолият кўрсатмоқда.

Шулардан бири 1998 йили иш бошлаган «Оролнинг олтин мероси» хотин-қизлар жамоатчилик бирлашмасидир. Унинг асосий эътибори, мақсади - ишсиз аёлларга халқнинг бой мероси ҳисобланган ҳунармандчилик, жумладан, кашта, гилам тўқиш, тикувчилик, қамишдан рўзғор учун зарур буюмларни тайёрлаш касбига ўргатишдан иборат эди. Мазкур бирлашманинг ташкил топиши ва нормал равишда иш бошлаб юбориши учун «Ҳунармандларга ёрдам» (АТА), Каунтерпарт Консорциум ҳамда Ўзбекистон - Очиқ жамияти институти (Сорос жамғармаси) амалий кўмак берди. Дастлаб экологик офат зонаси - Мўйноқ шаҳрида 20 нафар хотин-қизлар ҳунармандчилик касбини эгаллаб олишди. Улар томонидан тайёрланган нафис ва кўркам туморлар, ҳамён, ёдгорлик буюмлари, ҳар хил сумкалар «Ҳунармандларга ёрдам» халқаро жамғармаси томонидан ташкил этилиб, Тошкент, Олма-Ота, Бишкек шаҳарларида ўтказилган кўргазмаларда юқори баҳо олди.

Ҳозирги кунда эса Ўзбекистон - Очиқ жамияти институти кўмагида қорақалпоқ халқининг гилам тўқиш санъатини ривожлантириш борасида охирги тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. Бундан ташқари Нидерландиянинг NOVIB ташкилоти билан ҳамкорликда халқ ҳунармандчилигини қайта тиклаш ва Мўйноқ шаҳрида 40 нафар хотин-қизларни бозор маркетингига ўқитиш ҳамда муқим иш билан таъминлаш борасида битим тузилди. Бу борада Мўйноқ туман ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси, маданият ишлари вазирлиги, санъат музейи билан олиб борилаётган тиғиз ҳамкорлик ҳам яхши самара бериши кутилмоқда.

Ҳеч шубҳасиз, «Оролнинг олтин мероси» бундай ибратли ишларни бундан кейин ҳам изчил олиб бориб, экологик нохуш вазиятда истиқомат қилаётган аёллар оғирини енгил қилиш бўйича ибратли ишларни давом эттиравераді.

Асилбек ИСКАНДАРОВ,
«Mahalla» мухбири.
Мўйноқ шаҳри.

Ушбу сурат ҳам Оролдан «Олтин мерос» бўлиб қолди.

Пахтазорда кўрдим, «MAHALLA», бўйингни

Азиз муштарий! Агар сиз 2001 йил учун ҳам обуна бўлишни унутмасангиз, «MAHALLA» ўзи сизни ахтариб топаверади.

«MAHALLA» УЧУН КИМ, ҚАНДАЙ ЖОН КОЙИТЯПТИ?

Ғузорликлар «Mahalla»га қизиқиб қолишди

«Маҳалла» хайрия жамғармасининг Ғузор туман бўлинмаси раиси Саъдулла Ўлжаевнинг айтишига қараганда, Ғузорда «Mahalla» барчанинг севимли газетасига айланиб бораётган эмиш.

Келгуси йил «Mahalla» газетаси тумандаги 33 қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинларининг ҳаммасига тўғридан-тўғри кириб борадиган бўлди.

Дарвоқе, туман муассаса ва корхоналари раҳбарлари ҳам «Mahalla»нинг мухлиси эканликларини амалда исбот этишаётган экан.

Бу борада ўзларининг беминнат амалий ёрдамини аямаётган туман ҳокими Ҳ.Қодиров, ҳоким ўринбосари А.Абдуллаевга олдиндан ўз миннатдорчилигимизни билдирмай иложимиз йўқ.

Андижон

БИР МАҲАЛЛА УЧУН БИР ГАЗЕТА ОЗ

Кўпгина муштарийлар ҳар бир маҳалла бир дона «Mahalla» газетасига обуна бўлиши ташаббуси билан чиқаётган бир пайтда андижонлик оқсоқол Учқунбой Сиддиқовнинг сўзи бизни ҳайратга солди. Унинг фикрича, ҳар бир маҳалла учун бир дона «Mahalla» газетаси оз. Ахир газетани битта оқсоқол ёки котиб эмас, ҳамма ўқиши мақсадга мувофиқ.

- Шу боисдан, - дейди Андижон шаҳрининг Исломад маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Учқунбой ака, - биз кўплаб фуқароларимизни газета обунасига даъват этаяпмиз. Ҳозиргача маҳалламиз аҳолиси 15 дона «Mahalla» газетасига обуна бўлишди.

XXI АСР МАҲАЛЛАСИ МУАММОЛАРИ

Таъниберди ҚУРБОНОВ,
Самарқанд вилояти Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлими раиси

ОҚСОҚОЛ: У ҲАМ САЙЛАНСИН, ҲАМ СИЙЛАНСИН

**** Қишлоқ фуқаролар йиғинининг ўрни борми?***
**** Унда оқсоқоллар кенгаши нима вазифани бажаради.***
**** Олдинда сайлов, аммо, бунгача ҳам бир «сайлаб» оламиз.***
**** Оқсоқол хўжайин эмас, халқ хизматкори.***
**** Оғайнидан оқсоқол тайинламайлик.***

Бугун кенг имкониятлар оғушида яратувчанлик, ташаббускорлик кайфиятида яшаш халқимизга хос ҳаёт тарзига айланиб қолди. Бу борада маҳалла фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш соҳасида ҳам катта ишлар қилинди. Мухбиримиз ана шу ҳақда Самарқанд вилояти Оқсоқоллар Кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлими раиси Таъниберди ҚУРБОНОВ билан суҳбатда бўлди.

- Умумхалқ муҳокамасидан сўнг қабул қилинган «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонун айни муддао бўлди. Қонун ижроси бўйича вилоятда самарали ишлар олиб борилмоқда. Аммо доимо бир чалкашлик ҳақида ўйлаб юраман. Кўп болали, камдаромад оилалар учун икки ёшгача, 16 ёшгача ва моддий ёрдамга муҳтож оилалар учун бериладиган нафақалар маҳаллалар орқали тайинланиши белгилаб ўтилган. Афсуски, бу борада қишлоқ маҳаллаларида ҳанузгача англашилмовчиликлар натижасида айрим чалкашликларга йўл қўйилаётир. Хусусан, болалар учун бериладиган нафақалар маҳалладан, моддий ёрдам пуллари эса қишлоқ фуқаролар йиғини томонидан тайинланмоқда. Энди мулоҳаза қилинг, қай бир йигирма-ўттиз чақирим наридаги моддий ёрдамга муҳтож оила қишлоқ фуқаролар йиғинига келиб ариза бериши мумкин. Агар улар келганда аризани қабул қилувчи масъул кишилар иш юзасидан жойларида бўлишмасачи. Икки-уч марталаб шунча масофадан келишга мажбур бўлишади. Шу ўринда айтиб ўтмоқчиманки, собиқ шўролар давридан мерос бўлиб келаётган қишлоқ фуқаролар йиғининнинг вазифаси нима ўзи? Улар давлатимиз тараққиётида қайси вазифани бажаришмоқда? Ўша-ўша буйруқбозликни бажаришмаяптимикан?! Бировнинг нафсониятига тегишни ёмон кўраман. Шу сабаб аниқ кўрсатмоқчи эмасман, айрим қишлоқ фуқаролар йиғини раислари маҳалла оқсоқоли устидан қаттиқ назорат ўрнатишмоқда. Қайси бирлари эса ўз айтганларини сўзсиз бажармаганлиги учун оқсоқолни ишдан бўшатмоқда, яна қай бири ҳафтанинг бир кунида оқсоқолларни йиғиб олиб ваъзхонлик қилмоқда. Ҳокимликлар номидан қонунда кўрсатилмаган вазифаларни бажаришларига буйруқ бермоқда. Маҳаллани ҳокимият топшириғи билан қишлоқ фуқаролар йиғини бошқарар экан, унда туман Оқсоқоллар Кенгаши раисларининг вазифаси нима?! Давлатимиз тараққиёти даражасида олиб қарайдиган бўлсак қишлоқ фуқаролар йиғини ҳеч бир вазифани бажармайдиган муаллақ ташкилотга айланиб қолган.

Яна шуни таъкидламоқчиманки, қишлоқ ва шаҳар маҳаллалари ўртасида тафовут жуда катта. Бу ҳақда қонунда ҳам аниқ бир йўналиш айтиб ўтилган. Олайлик маҳалланинг бир куни ҳам бир дунё. Нафақа тайинлашдан, коммунал тўловларгача, халқ осойишталиги-ю ва ҳакозо. Бу вазифаларда бор йўғи масъулият ҳис этиб ишлайдиганлар 3 киши холос. Бу ҳам бўлса ойлик олиб ишловчи раис, котиб, посбонлар сардори. Устига устак зарур нозарур ҳокимликлардаги йиғилишлар ҳам бунга қўшимча. Ана шундай ҳолатда маҳаллалардаги иш қониқарли деб айта оламизми? Ўйлаб кўрганимизда ҳам масъул ходимлар жисмонан улгуриша олмайди. Бунинг учун маҳаллаларда ҳисобчи ўринлари ташкил этилса, барча шошма-шошарлик билан қилинаётган юмушлар из-изига тушади, деб ўйлайман.

- Маҳалла оқсоқоллари халқ томонидан 2,5 йилга сайланади. 2001 йилнинг биринчи ярмида яна сайловлар бўлиб ўтиши керак. Шундай бўлгани ҳолда вилоятдаги мавжуд маҳалла оқсоқолларини синовдан ўтказаётган экансизлар.

- Ҳа. Халқимизнинг жуда бир-биридан ажойиб удумлари бор. Дўст-биродарлик, ошна-оғайнигарчилик ва қўштирноқ ичида ҳурмат қилиш. Аслида бу хислатлар бугун аксарият ҳолларда удум эмас, иллатга айланиб қолмоқда. Вилоят ҳокимлиги билан келишган ҳолда ўтказилаётган синовлар жараёни мени бу соҳада янада чуқурроқ ўйлашга ундади.

Синов ўтказишимиздан мақсадимиз кўп. Аввало маҳалла оқсоқоли бугуннинг талабларига жавоб берадими?! Янги аср маҳалласини бошқариш қобилиятига эгами? Иккинчиси, 2001 йилнинг апрел ойидан бошлаб сайловлар бўлиб ўтади. Ўтган даврда оқсоқол нималарга эришди? Учинчиси, оқсоқолларга ўз ваколатларини англатиш, хусусан, нафақа тайинлаш, коммунал тўловлар ва ҳакозо масалаларни тўғри ҳал этишга замин яратиш.

Синов жараёни натижалари шуни кўрсатадики, вилоятда 1058 та маҳалла бўлса, шундан маълум фоизида оқсоқоллар кимларнингдир аралашуви билан «сайланиб» келган. Баъзилари бўшаб қолган раҳбарларни ишга жойлаш, оғайни-қариндошчилик мақсадлари билан сайланишган.

Аксарият ҳолларда оқсоқоллик учун сайловда туман ҳокимликлари, қишлоқ фуқаролар йиғини раислари томонидан бир кишининг номзоди қўйилмоқда.

Яна шуни таъкидламоқчиманки, кўпчилик ҳолларда нима учундир маҳалла оқсоқолини «Жазолаш керак» деган эски иборалар қўлланилмоқда. Хўш, ҳокимликлар томонидан берилган топшириқни бажаришга имкон топа олмай қолган оқсоқол «Жазолансин» деган кўрсатма бормикан? Мақсадимиз муштарак. Ана шундай ҳолатлар юз берганда ўз вазифаси, ваколатини билган оқсоқол бармоқ тишлаб, ер чизиб ўтирмайди. Барча кўрсаткичлар бўйича олиб қаралганда Тайлоқ, Қўшробот туманларидаги маҳалла оқсоқолларининг ҳуқуқий саводхонлиги яхши. Шу ўринда айтмоқчиманки, ўтказилаётган синов барча нуқсонларни жойида бартараф этади, деб бўлмайди. Бу сайловларгача бўлиб ўтадиган синов, холос.

- Оқсоқоллар сардори сифатида маҳалланинг эртаси ҳақидаги истакларингиз.

- Вақт олий ҳакам. Тараққиёт давом этар экан Юртбошимизнинг ташаббуслари билан ўз-ўзини бошқариш органларида олиб борилаётган ислоҳотлар ҳам ўз самарасини беради. Истаймизми йўқми, вақти келиб қуйи бошқарув органлари олдида мавжуд муаммолар барҳам топа боради.

Шундай экан, ҳар бир маҳалла оқсоқоли ўзини маълум ҳудуднинг «хўжайини» деб эмас, халқ хизматидаги масъулиятли вазифани бажарувчи инсон деб тушунса яхши бўлади. Айрим ҳолатларда «тўрачилик» ақидаларига амал қилаётган оқсоқоллар бу иллатдан соқит бўлишини хоҳлардим. Мамлакатимизда шаклланиб қадр топган ошкоралик, демократияга асосланган маҳалла тамойилларига амал қилиш ҳар бир оқсоқолнинг бурчи.

Бир сўз билан айтганда янги асрга қадам қўяр эканмиз ўзини ўзи бошқариш тизими тараққиётида ана шундай хислатлар мужассамланар экан, бу келажакка дадил қадаб деб ўйлайман.

Суҳбатдош:
Ш.ҚАРШИЕВ.

БОЗОР ЭЛНИ ТУЗАР

Сурхондарё

ДЕНОВНИНГ ДОВРУҒИ - БОЗОРИНИНГ БОР-ЙЎҒИ

Ҳукуматимиз томонидан «Бозорлар фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида» қарор қабул қилганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Хўш, мазкур қарорнинг ижроси Денов туманидаги «Бободеҳқон» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятида қандай амалга оширилаяпти? Ана шу саволга жавоб топмоқ учун бозор бошқаруви раисининг ўринбосари Фахриддин Эргашев билан суҳбатлашдик.

- Денов бозорини кичкина Бомбейга қиёс қилишади одамлар, - деди у мақсадимизни англагач.

Қатта майдонни эгаллаган бозор ниҳоятда гавжум. Бўш жой йўқ ҳисоби. Бир томондан эндигина боғдан йиғиб келинган ҳўл мева маҳсулотлари. Ғужиласи лабни ёрадиган ақиқдек узумдан тортиб, бол боғлаган анжирларгача, карсиллаган олмаю, ранги эътиборни тортадиган шафтоли, ноқгача дид билан териб қўйилган. Булар она замин саховати, соҳибкор меҳнатининг маҳсулидир.

Расталарда 342 ўрин бор. Ҳаммаси қайта ишланган қуруқ мева маҳсулотлари билан лиқ тўла. Патталар рақамланган, махсус белгиси бор. Бозор бошқарувининг раиси фармойиши билан олинган ҳар квадрат метр жой учун 500 сўмдан ижара ҳаққи олиниб, патта сотувчининг қўлига тутқазиляпти.

- Вазирлар Маҳкамаси қарорини ўқидик, - дейди паттачи Хуррам Поёнов. - Унга хиёнат қилиб бўлмайди. Кунлик тушумни ўз вақтида хазинага топширамиз, кирим қиламиз. Ўтган ҳафтада йиғилган ижара ҳақи юз минг сўмдан ошди.

Гуруч растасига ўтдик.

- Келинг ака, Ўзганнинг гуручи бор.

Бундай сертакаллуф сўзларни гуруч билан савдо қилаётган ҳар бир сотувчидан эшитасиз. Раста бири-биридан сифатли маҳсулотга тўла. Кам эмас, бир юз эллик нуқтада гуруч сотиляпти. Бозорнинг ҳар бир растасида маҳсулот сероб. Дон, сабзавот маҳсулотлари сотилаётган расталарни кўздан кечирганимизда бунинг гувоҳи бўлдик. Гўшт дўконларини айтмайсизми? Чокларга ажратиб илиб қўйилган мол, қўй гўштлари билан савдо қилаётган қассобларнинг қўли-қўлига тегмайди.

Шарқона услубда қурилган хушсурат тижорат дўконлари ҳам маҳсулотга тўла, ҳаммаси харидоргир.

Буларнинг бари бозор иқтисодий қувватининг ошиб боришини таъминлаяпти. Тушум режаси ойига 4 миллион 250 минг сўм қилиб белгиланган эди. Қарийб тўрт ярим миллион сўмлик ижара ҳақи йиғиб олиняпти. Тушумнинг бир қисми бозорнинг ободончилигига сарфланяпти, расталар тоза, озода. Ўз вақтида таъмирланаяпти. Ҳозир савдо қилиш учун барча қулайликларга эга бўлган 700 ўрин мавжуд, булар савдо нуқталари. Ҳиссадорлик жамиятининг 93 нафар аъзоси сотувчилар хизматида. Сайфиддин Абдуллаев, Насриддин Қаҳҳоров, Абдулло Розиқов, Бахтиёр Ўринов, Бек Қурбонов, Бек Норбоев каби ходимлар, ишчи-хизматчилар ўзларининг ҳалол ва беминнат меҳнатлари билан жамоанинг ҳам, мижозларнинг ҳам эътиборини қозонганлар.

Бозор ҳузурида савдо-харид корхонаси ҳам фаолият кўрсатмоқда. Унга ишчан ва тадбиркор йигит Баҳром Дилов бошчилик қилмоқда.

Ўтган ойда эл дастурхонига 3 миллион 700 минг сўмлик турли хил ноз-неъматлар етказиб берилди.

Омон ШУКУРОВ,
«Mahalla» мухбири.

ОИЛА - КАМОЛОТ БЕШИГИ

Жамиятнинг тез юксалиши кўп жиҳатдан оиланинг қанчалик мустаҳкам бўлишига боғлиқ.

- Маълумки, ўзбекларнинг аксарияти ўзининг шахсий фаровонлиги тўғрисида эмас, балки оиласининг, қариндош-уруғлари ва яқин одамларининг, қўшниларининг омон-эсонлиги тўғрисида ғамхўрлик қилишни биринчи ўринга қўяди. Бу эса энг олий даражада маънавий қадрият, инсон қалбининг гавҳаридир, - дея таъкидлайдилар Президентимиз.

Мамлакатимизда йигирма тўрт миллион аҳоли яшаса, 1995 йилдаги ҳисоб бўйича унинг эллик икки фоизини - яъни 12 миллиондан ортиқроғини хотин-қизлар ташкил этади. Ҳозир тўрт миллион оила мавжуд.

Ҳар йили 234 минг оила қурилиб, етти юз ўн минг бола дунёга келмоқда. Болажон юртимиздаги ҳар бир оилада ўртача беш-олти жон истиқомат қилади.

Қадимдан кўп болалилик - ўзбек оиласининг алоҳида ўзига хос белгисидир. Бинобарин, ватанимизда кўп болали оилалар сони бошқа минтақалардагига нисбатан анча кўп. Аниқроқ айтсак, жами оилаларнинг ўн икки фоиздан кўпроғи беш ва ундан ортиқ болалидир. Қишлоқ жойларда эса бу йигирма фоизни ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 63-моддасида ҳам давлатимизнинг оилага муносабати аниқ ва лўнда ифодаланган. «Оила, - дейилади Бош Қонунимизда, - жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга».

Шу моддининг 2-қисмида «Никоҳ томонларнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқлилигига асосланади» дейилган. Бундан келиб чиқадиган хулоса шуки, оила қуришнинг бирдан-бир асоси - қонуний никоҳдир.

Шуни ҳам инобатга олиш лозимки, Мустақил Ўзбекистонда оилага бўлган муносабат умуминсоний, жаҳон андозаларига ҳам тўла жавоб беради. «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 16-моддасида, жумладан инсонларнинг эркин никоҳдан ўтиш ҳуқуқлари аниқ қайд этилган.

Айни вақтда, кўп болали оилалар мамлакатимиз аҳолиси таркибига хос хусусиятлиги ҳисобга олинган ҳолда бизда мустақил миллий сиёсатнинг бош тамойилларидан бири аҳолининг эҳтиёжманд қисмини, жумладан кўп болали оилаларни ижтимоий ҳимоялаш эканини мудом таъкидлаб, давлат фондидан мунтазам маблағ ажратилмоқда.

Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган «Маҳалла», «Наврўз», «Экосан», «Орол», «Соғлом авлод учун» каби жамғармалар турли-туман хайрия тадбирлари воситасида оилаларнинг камол топишига ҳисса қўшиб келмоқда.

Мутахассисларнинг - геронтологларнинг кузатишича, оилали кишилар узоқ умр кўрадилар. Баъзи эр-хотинлар бир-бирлари билан 70-80 йил, ҳатто 100 йил никоҳда бўлишган. Ҳаётда кўп болали оилаларнинг одатда узоқ яшашлари кузатилган. Бунга кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Америка Қўшма Штатларидаги Дюкси университетида 4500 киши билан ўтказилган тадқиқотлар натижаси ўрганилганда маълум бўлганки, хотинсиз эркаклар оилали эркакларга қараганда бир ярим баробар кўп касал бўлишар экан. Хасталик турлари ҳам аёллар дучор бўлаётган касалликларга нисбатан эркакларда бир-икки марта кўп бўлиб, улар айниқса гипертония, асабийлик ва турли яралардан азоб чекишар экан. Аниқ маълумотларга кўра, 30 йил аёл киши билан яшашнинг ўзиёқ эркак умрини беш йилга узайтирар экан. Аксинча, ёлғиз яшаш эркак умрини 10-15 фоиз қисқаришга олиб келар экан.

Саломат эркакнинг ҳам, аёлнинг ҳам бесабаб турмуш қурмаслиги, Ислом динида гуноҳ ҳисобланиб, номақбул кўрилади.

Пайғамбаримиз Расули Акром шундай дейдилар: «Эй йигитлар! Қайси бирингиз турмуш қуришга қодир бўлиб, имкон топсангиз, тезда уйланинг, чунки уйланиш инсон кўзини поклагувчи чироқ, яъни у номаҳрамларга қараб гуноҳга ботишдан сақлайди ва ёмон, бемаза йўлга кириб кетишдан асрагувчи асосий чорадир».

Қонунда белгиланган меъёр асосида оила қуриш баробаринда НИКОҲ воситасида, шаръий йўл билан жуфт бўлиб яшаш - ахлоқий поклик ва соғлиқ гаровидир, жамият мустаҳкамлигининг асосидир, руҳий хотиржамлик манбаидир.

Ўз уйида, оиласида бахтли бўлган одамгина умуман бахтли бўла олади. Бунда аёлнинг, онанинг ўрни алоҳидадир. Буюк мумтоз шоир Саъдий Шерозий ёзади:

Хотин бўлса қобилу ақли расо
Эрни шоҳ этар, гарчи бўлса у гадо.

Бугунги кунда ишлаб чиқаришда 413,2 минг, қурилишда 57,6 минг, транспорт соҳасида 32,9 минг, алоқа тармоқларида 21,6 минг, соғлиқни сақлаш тизимида 346,8 минг, халқ таълимида 552,4 минг, жамоат ва давлат ишларида 295 минг хотин-қизларимиз меҳнат қилмоқдалар. Илмий ходимларнинг 37 фоизи, шу жумладан, фан докторларининг 11 фоизи, фан номзодларининг 26 фоизи хотин-қизлардандир.

Вазифа, аёлларимизга яратилаётган имкониятлардан тўлароқ фойдаланишдан иборатдир. Бу нарса баъзан ҳуқуқий маданиятнинг етишмаслигида, фуқаролик бурчини барча баробар юқори савияда ҳис этмаслик каби ҳолларда сезилиб қолмоқда. Айтайлик, балоғат ёшига етмаган қизларни турмушга бериш, исталмаган ҳомиладорликни олдини олиш, оналар ва болалар саломатлигини яхшилаш, сиёсий жараёнларда фаолроқ бўлиш каби соҳаларда имкониятлардан тўла фойдаланаолмаётганлари кўзга ташланиб қолади.

Бугун биз янги даврда яшамоқдамиз. Демократик, адолатли, кучли жамият барпо этмоқдамиз. Бу демак, оиланинг иқтисодий, ижтимоий, демографик, психологик ва ҳатто жинсий ҳаётига оид масалаларни ислоҳотлар талабидан келиб чиқиб, такомиллаштириб бориш, қайта назардан ўтказиш зарурати мавжуд. Маълумки, инсонпарварлик жамияти мулкий бўлмаган оилавий-шахсий муносабатлар - белгиловчи, мулкий муносабатлар эса бўйсунувчи - ҳосила мазмунга эга.

Шундай қилиб, оила ҳуқуқи - никоҳ тузиш ва никоҳни бекор қилиш тартиби ва шартлари; эр-хотин, ота-она билан болалар ўртасидаги шахсий ва мулкий муносабатлар; фарзандликка олиш, васийлик ва ҳомийлик, бола асраб олиш туфайли келиб чиқадиган муносабатлар; фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш тарзини белгилайдиган ҳуқуқий меъёрлар йиғиндисидан иборат.

Мустақиллик шарофати билан оила соғломлиги, аёллар меҳнати борасида кўпгина хайрли ишлар амалга оширилди. Хусусан, туғруқхоналарда янги туғилган чақалоқни бир-икки кундан кейингина онага бериш, бегона соғ-носоғ онанинг сутини бериш ҳолларига чек қўйилди. Бу билан гўдак туғруқхонада сутини эмган онанинг фарзанди билан билиб-билмай турмуш қуриб, ногирон бола кўриш балосидан қутилди.

Аёлларни оғир меҳнатдан бир йўла озод этиш, уларга имтиёзлар бериш тўғрисида Президентимиз Фармон чиқардилар. Умуман келажаги буюк мамлакатимизда наслимизни асраш ва янада камол топтириш учун катта ишлар амалга оширилмоқда.

Бу борадаги ишларни такомиллаштира бориш, янада самаралироқ этиш барчамизнинг шарафли бурчимиздир.

Ўғилой АБДУАЗИМОВА,
«Аёлларни ижтимоий мослаштириш» маркази бош мутахассиси.

ҲУНАРМАНДЧИЛИК

АМЕРИКАЛИК КУЛОЛ ҒИЖДУВОНГА ШОГИРД ТУШДИ

Ғиждувон кулоллари қадимдан донг таратиб келган. Уларнинг авлоди бўлмиш ака-ука Алишер ва Абдулла Нарзуллаевнинг моҳир қўлларидан чиққан буюмларни бугунги кунда дунёнинг кўпгина музейларида, турли кўргазмаларда учратиш мумкин. Кулоллар маҳоратига тан берган АҚШ, Япония каби мамлакатлардаги миллий ҳунармандчилик ихлосмандлари улар билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ўрнатишган. Алишер Нарзуллаев ўтган йили олти ой мобайнида олис кунчиқар мамлакатида бўлиб, ўзбек миллий ҳунармандчилиги сирларини япон ҳамкасбларига ўргатиб қайтди.

Яқинда Ғиждувонга америкалик кулол Боб Абма келиб, ака-ука кулоллардан ўзбек кулолчилиги бобида сабоқ олди. Хорижлик кулол Ғиждувон кулолчилик мактабининг ўзига хос услубини амалий ўрганиб, кўплаб миллий буюмлар ясади. Бу ерда америкалик кулол тайёрлаган буюмлар кўргазмаси ҳам ўтказилди. Кўргазма амалий санъат мухлисларида катта қизиқиш уйғотди.

ЎзА.

— Бувиси, сен билан мендан келгусидаги зурриётларимизга мана шу боғ қолади-да...

Б. РИЗОҚУЛОВ олган сурат.

Кашқадарё

ХОМ СУТ ЭМГАН ЎҒРИГИНА БОЛАЛАРИМИЗ

Нима қилсак уларни бу ботқоқдан чиқариб оламиз?

«Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқий-тарбиявий ишлар сусайтириб юборилганлиги, улар устидан бўлган назоратнинг бўшлиги, иш билан таъминлаш ва бошқа муаммолар қониқарли даражада ҳал этилмаётганлиги оқибатида кўплаб ёшлар томонидан ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар содир этиш, гиёҳвандлик ва ичкиликбозликка берилган, диний ақидапарастлик ва турли зарарли оқимлар, гуруҳлар таъсирига тушиб қолиш каби салбий ҳолатлар учраб турибди».

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 сентябрдаги «Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш ҳақида»ги қароридан.

Ҳаётни ва шундоққина кўз ўнгимизда содир бўлаётган воқеаларни кузатар эканмиз, қарорда қайд этилган ҳолатлар ҳар бир шаҳар ва туманда, маҳаллада учраётганлигига шоҳид бўламиз. Етти-саккиз фарзанд ўстираётган намунали оиланинг биргина ўғли чакки қадам босиб, ота-онаси юзига доғ туширади, маҳаллага иснод келтиради. Ҳа,бу жиддий ўйлашни, бола тарбиясида ҳали фойдаланилмаётган чораларни изчил амалга оширишни талаб этади. Болалар тарбияси билан шуғулланадиган, қоғозда йирик-йирик тадбирларни ўтказаётган идоралар, айниқса жамоат ташкилотлари керагидан ҳам ортиқча. Аммо, улар амалга ошираётган ишларнинг самараси етарли эмас. Қарор билан танишар эканман, куни кеча рўй берган ўзим гувоҳи бўлган воқеа кўз ўнгимдан ўтди.

...Алишер Ибодуллаев эндигина 16 ёшга қадам қўйди. Қарши шаҳридаги Пахтазор митти тумани 11-уй, 34-хонадонда яшайди. Уни шайтон йўлдан урди. Ўзи тенги қўни-қўшниларининг ножўя ҳаракатларига ҳавас қилди. Барларга кириб кайф-сафо қилиш, қимматбаҳо кийимлар кийиш, тақинчоқлар тақиш истаги билан яшайдиган бўлди. Бунинг бирдан-бир йўли ўғирлик деган хулосага келди.

Ўзининг тенгдоши ва адаши Алишер Муротовни ҳам шу йўлга бошлади. Унинг қўйнини пуч ёнғоққа тўлдириб кўнмаганига қўймади. Ёшлик эмасми, адаши ҳам кўнди.

Ўтган йилнинг декабрь ойи, изғиринли кунлар эди. Икковлон олдиндан белгиланган, бир неча бор кузатилган манзилга йўл олдилар. Ҳамма иш ўйлангандек, шаҳардаги Масхаб кўча 80-уйда яшовчи Гулшода Ҳайдаровалар хонадони дарвозасида катта қулф осиғлиқ эди. Фурсатни бой бермаслик керак. Алишер Ибодуллаев шеригини кузатувчи қилиб қолдириб, чаққонлик билан кўчадаги дарахт орқали ҳовлига тушди. Ҳеч бир тирик жон кўринмайди, ҳамма ёқ сув қуйгандек жим-жит. Дераза ошдию, тахмин қилинган жойларни бирма-бир кўздан кечирди. 40 минг сўм нақд пулни қўлтиқлаб олди. У ёқ - бу ёққа олазарак бўлиб, териб қўйилган автошиналарга кўзи тушди. Айни муддао, бозорда уларнинг савдоси чаққон. Уларни бирма-бир деворлан оширди. Ўзаро жиноий тил бириктирган дўстлар дастлабки фаолиятлари кўнгилдагидек ўтганидан мамнун ҳолда «ов»дан қайтдилар.

Ўғригина болалар машина шиналарини бозорда савдо-сотиқ билан шуғулланувчи Ц.Сергейга сотиш учун бердилар. У балонларнинг иккитасини 42000 сўмга пулладию, қолганлари билан милиция қўлига тушди.

Жиноят очилди. Алишер Ибодуллаев ўғирликка қўл урганлигини ҳар қанча жон куйдириб тушунтирмасин, далиллар, гувоҳларнинг аниқ кўрсатмалари жиноятни очиқ-равшан исботларди.

Суд ҳукм чиқарди. А.Ибодуллаев РЖКнинг 169-модда 3-қисми «Б» банди билан айбдор деб топилиб, ҳамда унга нисбатан ЖКнинг 57-моддаси қўлланилиб, 3 йил озодликдан маҳрум этилди. Жабрланувчи зарар кўрган 86000 сўм ундан ундириладиган бўлди.

Хўш, деярли ҳар куни гоҳ у, гоҳ бу ерда учраб турадиган одамни жунбушга келтирувчи бундай воқеалар сабаби нимада? Аввало қарорда жуда тўғри таъкидланганидек, қайсидир даражада бўлмасин бўшлиқ бор. Тарбиявий ишлар талаблар даражасида бўлмаяпти, давлат идоралари, жамоат ташкилотлари олиб бораётган тадбирлар самараси яққол кўзга ташланмаяпти.

Келинг, «Маънавият ва маърифат» Кенгаши, «Соғлом авлод учун», «Камолот» жамғармалари, маъмурий органлар қатори бизнинг ҳам, «Маҳалла» жамғармаси, оқсоқолларнинг оқсоқлиги қолаверса, жуда хавфли бўлган бепарволигимиз борлигини тан олайлик. Ахир қайсидир жиноятга қўл урган фарзандларимизнинг тарбиялари маҳалладан бошланган-ку. Бир болага етти маҳалла оталик қилишини унутиб қўймадикми?

Қарор маҳаллалар учун дастуриламал, бу соҳада ишни қайта қуриш эса ҳам қарз, ҳам фарз.

Курбон ЭГАМБЕРДИЕВ,
«MAHALLA» мухбири.

ҚЎШНИЧИЛИК

Очил БЎРИЕВ

ҲАМСОЯНИНГ «ҲАМСОЯТОВОҒИ»

Ҳадиси шарифда ҳам «Ҳовлининг олд томонидан қирқ ҳовли, орқа томонидан қирқ, ўнг томонидан қирқ ва чап томонидан қирқ ҳовлилар ҳаммаси қўшни ҳисобланади», - деб таърифланади.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида «қўшни» сўзига «...уйлари, ҳовли-жойлари ёнма-ён ёки яқин бўлган кишилар, оилалар, хонадонлардир», деб таъриф берилган.

Самарқанд, Бухоро, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида қўшни кўпинча «ҳамсоя» ҳам дейилади.

Ўтмишда қўшничилик ҳуқуқини ҳимоя қилувчи турли одат ва тартиблар шариат томонидан ҳимоя қилинган. Қўшнининг ўз қўшниси олдидаги масъулияти ва бурчлари бўлиб, бу фақат яхшиликка йўғрилгандир. Бу ҳақда ҳазрати Ойша Расулиллоҳдан шундай ҳадис келтиради: **«Ҳазрати Жаброил қўшни ҳақига риоя қилиш тўғрисида менга шу қадар кўп васият (топшириқ) қилдиларки, мен уни ҳатто молига ҳам меросхўр қилиб қўйсалар керак деб ўйладим».**

Қўшни ҳақи жуда табаррук бўлиб, қўшни ўз қўшнисини кўрганда очиқ чеҳра билан кўришмоғи, хасталигида ва муҳтожлигида хабар олиши, байрам, ҳайит ва оилавий тантаналарда қутлаши, моли ва жонига қасд қилмаслиги, хотин ва қизларига ёмон қарамаслигидир. Ҳадисда **«Шўрбо қилсанг, сувини кўпроқ қилиб қўшниларнинг аҳволига қараб, шундан миннат қилмай уларга ҳам бер»** деб ўқтирилади.

Шунингдек, ҳадисларда бирор киши иморат қурса, қўшнининг иморатидан баланд бўлмаслиги, қўшни оч бўлса лаззатли таомлар еб ўтирмаслиги, қўшни муҳтож бўлиб, ўзи бадавлат яшашлиги мусулмончилик одатига зид дейилади. **«Ёнида қўшниси оч ўтириб, ўз қорнини тўйғазиб юрадиган одам мўмини комил эмас»** дейилади ҳадисда.

Эл-улусда яхши қўшни бахт белгиси, ёмон қўшни бахтсизлик белгиси саналади. Ҳадисда ёзилганидек: «Бахтимиз уч нарсададир: «отда, хотинда ва ҳовлида». Шунинг учун ҳам халқимизда «Ён қўшни - жон қўшни», «Қўшнинг тинч, сен тинч» каби мақоллар бор.

Абу Хурайра бундай дейдилар: **«Расулиллоҳ Саллоллоҳу алайҳи вассаллам «Эй муслима аёллар, гарчи ўртангизда бир қўшни билан танишиб қолган бўлсангиз ҳам ҳаргиз қўшнини қўшнига ёмонламангиз»** деб айтдилар. Қўшнига хиёнат қилиш оғир гуноҳ ҳисобланади.

Қўшничилик анъанасига кўра - ер, ҳовли, жой кишиларнинг шахсий мулки бўлганлигига қарамасдан сотиш ва сотиб олиш эркинлиги қўшничилик ҳуқуқи билан белгиланган эди. Ўтмишда кўчмас мулк савдоси одат бўйича қози олдида расмийлаштирилиб, қўшнилар бу жараёнда албатта иштирок этишган. Қози ҳам бевосита қўшниларнинг розиликларини сўраган. Агар қўшнилар норози бўлишса бу мулк сотилмаган. Кўп ҳолларда суғориладиган ерларга талаб жуда катта бўлганлиги учун бирон киши ўз ерини сотмоқчи бўлса, энг аввало, қишлоқ оқсоқолларига мурожаат қилган. Таомилга кўра ерни сотишдан олдин қўшниларнинг ҳам розилиги олинган. Агар қўшнилар ерни олишмасдан розилик билдиришсагина бегонага сотилган.

Жанубий вилоятлардаги удумга кўра бирон хонадонга меҳмон келса қўни-қўшнилар ва яқин қариндошлар навбати билан ўз хонадонларига меҳмонни таклиф этишади. Агар меҳмон узрли сабабларга кўра таклиф этилган жойга боролмаса, унга таом узатилади, буни «ҳамсоятовоқ» дейилади.

Маълумки, тўй маросимларида қўшниларнинг жуда катта ўрни бор. Агар тўй бўлаётган хонадонга келган меҳмонларга турар-жой етишмаса қўшниларнинг меҳмонхонасидан жой тайёрланади. Қўшнилар хонадонларига («қўшхона») узоқ, яқин қишлоқлардан келган меҳмонлар жойлаштирилади. Буни баъзи жойларда «қўноқ (қўниқ) бериш», меҳмонлар эса «қўноқлар (қўниқлар)» дейилади. Удумга кўра таъзияли хонадонда ҳам уч кунгача таом пиширилмайди. Бу даврда азали хонадонга таомни асосан қўшнилар пишириб келтиришади.

Ёшлар ҳаё ва ибони оила, қўшнилар ва маҳалладан ўрганадилар. Бўлғуси келин ёки куёвларнинг кимлигини ота-оналар, қўшнилар ёки маҳалла оқсоқолларидан суриштиришади, совчилар ҳам келин хонадонига қадам ранжида қилишларидан олдин қўшнилар уйига ташриф буюришади ва улар берган холис баҳога қараб иш тутадилар.

Маълумки, шўролар даврида халқимизнинг миллий қадриятларига ҳам анча зарба берилган эди. Айниқса, шаҳар, қўрғонлардаги митти туман ва мавзеларда қўшничилик анъаналарига умуман риоя қилинмас эди. Бу мавзеларда яшовчилар ҳатто ўз ён қўшниси кимлигини билишмас, ҳол-аҳволини сўрашмас ёки ўлик-тириклигидан хабар олишмас эди. Чунки, кўп қаватли уйларда яшовчиларнинг аксарияти темир эшиклар ортида яшайди, панжарали эшикда эса бир нечта қулф бўлади. Бундай жойларда қўни-қўшничилик, яхши кунда шерик, ёмон кунда ҳамдард бўлиш ҳам ҳаминқадар. Оддий йўлакни супуриб-сидириш ҳам сансоларликка олиб келади.

Мустақиллик шарофати туфайли қўшничилик ва маҳаллачилик анъаналари янги руҳда шаклланиб, оилавий-маиший муносабатларни мустаҳкамловчи ҳамда барча тўйҳашамларда, маъракаларда ҳамдард, камарбаста бўлиб, ўзаро ёрдам бериб қўллаб-қувватлашда муҳим рол ўйнамоқда. Маҳаллачилик катта-кичикни ҳурмат қилиш, ёши улуғларни эъзозлаш, оилавий муносабатларда аҳиллиқни сақлаш каби олийжаноб фазилатларни назорат қилишда етакчи ўринда туради.

Юқорида қўшничилик удум ва анъаналарининг баъзиларига тўхтаб ўтилди, холос. Ана шу эъзозталаб таомилларга амал қилиб яшамоқ жамиятда соғлом муносабат ва ишонч руҳини мустаҳкамлайди. Шундагина қўшни қўшнининг бирадарига айланади, улар ўртасидаги аҳиллик, жипслик, ҳушёрлик ва бир-бирларини англаб умргузаронлик қилиш муҳити шаклланади.

ДИҚҚАТ: МАҲАЛЛА ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНЛАРИ УЧУН КЎРИК-ТАНЛОВ

«MAHALLA» рекламаси

ҲАМ ХАВФДАН ХОЛИ БЎЛАСИЗ, ҲАМ ҒОЛИБ БЎЛИБ, МУКОФОТ ОЛАСИЗ

- Мулла Эшматбой, хўв Эшматбой!
- Лаббай, ким у? Ия, қўшни, мулла Тошматбой, келсинлар! Ассалому алайкум, қадамларига ҳасанот!
- Раҳмат! Шу десангиз, маҳалла идорасига йиғилишга чиқиб кетаётиб, сизни ҳам чақириб кетай дедим.
- Тинчликми, қандай йиғилиш?
- Ия, ҳали хабарингиз йўқми? Саломат бўлинг-а! Маҳаллада дув-дув гап! Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ёнғиндан сақлаш бошқармаси Вазирлар Маҳкамаси Фармойиши билан ўтказилаётган «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги» даврида аҳоли яшаш жойларида, маҳаллаларда ёнғинга қарши тадбирларни жонлантириш мақсадида «Намунали маҳалла, гузар ёки мавзе» кўрик-танловини ўтказишга қарор қилибди. Ҳа, айтганча, ушбу кўрик-танловда фаол иштирок этган ва ғолиб бўлган маҳаллаларга республика Ёнғиндан сақлаш бошқармасининг қимматбаҳо ва эсдалик совғалари топширилар экан. Ана шунақа гаплар, мулла Эшматбой! Тараддудингизни кўриб, маҳалла идорасига эртароқ чиқинг.
- Хўп, хўп, албатта чиқаман. Қани, марҳамат ичкарига киринг. Бир пиёла чой тайёр.
- Раҳмат! Чойни бафуржа ичаверамиз. Ҳа, айтганча, идорага чиқишдан аввал чойнак тагидаги газни ўчиришни унутманг-а!

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ёнғиндан сақлаш бошқармаси хонадонингизда ҳамиша шодиёна кунлар бўлишини тилаган ҳолда ёнғин балосига қарши биргаликда курашишга чақиради.

Вазирлар Маҳкамасининг фармойишлари билан республикамизда ҳар йили Ёнғин хавфсизлиги ойлигини ўтказиш яхши бир анъанага айланган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 11 ноябрдаги фармойишига асосан вилоят, шаҳар, туман, аҳоли пунктлари ва халқ хўжалиги масканларида ёнғин хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирларини такомиллаштириш ва жонлантириш мақсадида Республикамиз ҳудудида шу йилнинг 15 ноябридан 15 декабригача бўлган даврда «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги» ўтказилмоқда.

Республикадаги ёнғинлар билан боғлиқ вазиятнинг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, 2000 йилнинг 10 ойида содир бўлган ёнғинларнинг 77,7 фоизи аҳоли яшаш жойлари улушига тўғри келмоқда. Содир бўлган ёнғинлар оқибатида 170 инсон ҳаётдан бевақт кўз юмган, 971 киши эса турли хил даражадаги куйиш ва жароҳатларини олган. Гарчанд айрим кўрсаткичлар 1999 йилнинг шу даврига нисбатан камайган бўлса-да, хавотирли ҳолат ҳамон мавжуд эканлиги бизни ташвишлантиради.

Ана шундай нохуш аҳволнинг олдини олиш, халқ хўжалиги масканлари ва аҳоли турар жойларида ёнғин хавфсизлигини таъминлашга қаратилган тадбирларни янада такомиллаштириш, аҳоли ўртасида тарғибот-тушунтириш ишларини янада жонлантириш ва ушбу ишларда ижобий натижаларга эришганларни рағбатлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ёнғиндан сақлаш бошқармаси томонидан кўрик-танлов ўтказилишига қарор қилинди. Кўрик-танлов тўрт йўналишда ўтказиладиган бўлиб, улардан бири «намунали маҳалла, гузар ёки мавзе» йўналишидир.

Ушбу кўрик-танловни ўтказилиши жараёнида қуйидагиларга эътибор қаратилади:

- ўзини ўзи бошқариш органлари, маҳалла, гузар ва мавзе фаоллари томонидан ушбу жойларда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш борасида олиб бораётган ижобий ишларига;

- ДЁН хизматларининг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда аҳоли турар жойларида ёнғин хавфсизлигини таъминлаш борасида амалга ошираётган ишларига;

- маҳалла, гузар ва мавзеларда йўлларга ўрнатилган сунъий тўсиқларни олиб ташлаш, мавжуд сув тармоқларини соз ҳолда сақлаш, ушбу ҳудудларда қўшимча сув ҳавзаларини қуриш масалалари қандай ҳал этилаётганлигига;

- ўзини ўзи бошқариш ва маҳалла фаоллари томонидан турар жойларни текширишда жараёнда, жиддий камчиликлари аниқланган хонадон эгалари билан уларни зудликда бартараф этиш борасида ўтказаётган тушунтириш ишларига;

- нечта хонадон эгалари томонидан ички ишлар мосламалари ва электр тармоқларини таъмирлангалигига;

- сўнгги 5 йил ичида ушбу маҳалла, гузар ва мавзеда ёнғинлар содир бўлиш ҳолларига йўл қўйилмаганлигига.

Кўрик-танловда иштирок этганлар ва ғолиблар республика Ёнғиндан сақлаш бошқармасининг қимматбаҳо ва эсдалик совғалари билан тақдирланадилар.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ёнғиндан сақлаш бошқармаси.

ГАП ОХИРИДА

ЖАРИМАСИ 40 ДОЛЛАР

Бразилияда яқинда ёз бошланади. Рио-де-Жанейролик аёллар бу йил пошнаси учли узун босоножка кийишни урф қилишмоқчи. Шу муносабат билан йўл ҳаракатини кузатувчи полициячиларга машина ҳайдаётган аёлларни яхшилаб текширишни тўғрисида кўрсатма берилди. Маълумки, ҳайдовчининг оёқ кийими машина педалини қамраб олиши ва уни қийналмай босишга ҳалақит бермаслиги лозим. Юқоридаги пойафзалда эса бундай қилишни иложи бўлмаслиги мумкин. Бу ҳолда қондани бузганлар йўл ҳаракати қонунининг 78-моддасига мувофиқ 40 доллар жарима тўлайдиган бўлдилар. Бу иш бир неча марта қайтарилса, бундай шахсларнинг ҳайдовчилик гувоҳномаси умуман олиб қўйилади.

АХЛОҚИНГДАН СЕЗУРЛАР...

ЯХШИЛАР ГУЛШАНИ

Фозил қори Ёсин ўғли СОБИРОВ

37. ЎЗИНГИЗНИ ЁМОНЛАСАНГ, ЎЗГАЛАР МЕҲР ҚОЧАДИ



Яратган эгамнинг бир ояти калимаси бор. Унинг энг кучли маъноси шундай: «Эй, бандаларим, номоз деса қочдингиз, рўза деса минг баҳона топдингиз, садақа, закот деса «йўқман», «камбағалман» дедингиз, меҳр-оқибатни эсингиздан чиқардингиз, бирим икки бўлсин, ўним юз бўлсин, юзим минг бўлсин, деб молу дунё дардига гирифтор бўлиб кетдингиз-ку, кўзингизни очиб-юмдингизки савол-жавобдасиз».

Бугун ўзлигимизни тобора кўпроқ англаб, охиратни ўйлаб иш тутаётган мулкдорлар, тадбиркорлар сафи ортиб бораётганидан воқифмиз.

Мен бир ўзбек йигитини яхши биламан. Уни ошкора айтишимни, кўпга танитишимни ҳеч ҳам истамайди. Ўзингиз «Ўнг қўлинг қилган яхшиликни, чап қўлинг билмасин, дейсиз. Биз эл-юртга наф тегадиган бир эзгу ишга қўл урсак, ўзни кўрсатиш, мақтаниш учун эмас, Оллоҳ розилиги учун қиламиз», дейди дилидан. Аслида, у йигит қилган ишни, ҳамма мулкдор ҳам қилавермайди. Ишбилармонлиги билан тадбиркорлик қилиб, ҳалол жамғарган хусусий маблағидан, баҳаво бир сув бўйида 350 та етим хурсанд бўлиб, 4 маҳал тамадди қилиб, ҳамма қулайликларга эга хоналарда дам олиб, ўйнаб ҳордиқ чиқарадиган оромгоҳ қуриб, фойдаланишга топширди. У шифо, нажот масканида ногирон болаларга малакали докторлар қараркан. Шунинг ҳаммасини яна ўзи таъминлар экан. Ҳаммасини фақат Оллоҳ ризолиги йўлида қилибди.

Бир етимнинг кўз ёшини тўкмоқлик еру осмонни ларзага келтирар экан. Бир етимга табассум бахш этмоқ, осмон билан ерни рози қилмоқлик билан баробардир. Дунёда шундай одамлар бор, ўзи ота бўлатуриб болаларини тирик етим қилиб қўяди. Йиллар ўтадики, болам нима еб, нима кияяпти демайди, хабар олмайди. Шундай инсонлар борки, ўзиникидан ташқари етим, ногиронларни ҳам йўқлаб туради. Шундай саховатпешалардан юқорида айтганим йигитга савол берсам, у: «Ёшлигимдаги ниятларимнинг биттасига етдим, ҳали эзгу орзуларим кўп», дейди. «Ўзим етим бўлиб катта бўлганман, етим бўлиб юрганимда, шу эзгу ниятларни қилганман. Худо менга давлат, мол-мулк берса, шундай қилардим, деб ният қилгандим. Бугун ниятимга етдим, Оллоҳга шукр!»

Мана буни исломона диёнат деса бўлади.

Энди халифалик, мусулмонлик, деб кўкрагига уриб юрганлар айтишсин халқимизга, етимларга нима каромат кўрсатдилар. Аксинча улар етим эмасларни етим қиляптилар. Болаларнинг отасини ўлдириб, ночор аҳволга солмоқдалар. Булар Оллоҳнинг олдида нима деб жавоб бераркинлар? Ҳали бу болалар катта бўлгунча қарғайди отасининг қотилларини. Отасиз катта бўлиш осон эмас ахир. Ўғлини эркалаб, айлантириб юрган отани кўриб ўксиган, эзилган бола билади, отасизлик нима эканлигини! Кўп болаларимизни шу кўйга солиб, ота-онасиз қилиб қўяяпти бу қўпорувчи аблаҳлар, оқпадарлар. Тинч яшаган аҳолининг тинчини бузаяпти, бу ватанфурушлар.

Мен Узунга бордим. Мудофаада турган аскарларимизни ўз кўзим билан кўрдим. Битта номард ташвиқотчи нима дейди денг: «Бизнинг аскарларимиз урушолмас экан, нимжонроқ экан, улар қаттиқ келяпти экан. Эй, сен бор, ўзини ўтга ураётган йигитларимизни кўр. Улар қўрқоқ бўлса аллақачон бостириб кирарди сотқин олчоқлар. Ўша аскар болаларнинг жасорати, матонати билан, ҳимояси билан юрибсизларку дегинг келади шундай иғвогарларга. Бу душман ташвиқотидир. Оллоҳ таоло ҳеч қачон разолатни, қабоҳатни - ҳақиқат, адолат, тўғрилик устидан устувор қўймайди. Ҳамиша ҳақиқат енгади. Президентимиз халқим тинч бўлсин, дунёга танилсин демоқда. Ўзбекистон ҳам Англия, Франция каби ривож топган ҳеч кимга мустамлака бўлмаган, кучли мамлакат эканлигини эътироф этишсин демоқда. Булар қандай мусулмонки ўзининг юртини қийин аҳволга солиб, яна бошқа «акалар»га ялинса. Бу ўзбекка бўлган душманлик. Исломга, мусулмончиликка бўлган душманлик. Яна улар ўзларини «Мужоҳид» дейди. Тўғри тушуниш керак. Мана бир инсон етимларга жой қуриб, миллион-миллион пулини эзгу ишларга сарф қилса-да, бир инсон бутун пулини қуролга, одам ўлдиришга ишлатса. Мана 2 та инсоннинг, ўзини мусулмонман деган бандасининг иши.

Шуни ҳамиша ёдда тутишимиз жоизки, чин мусулмон қиладиган ишлари билан, одоби билан мусулмонлигини кўрсатади.

Амир Темур бобомиз: «Ё, раббим, менга бу дунёнинг олтину кумушларининг ҳеч қайсиси керак эмас», деб уқтирган эканлар. Соҳибқирон дунёдан ўтганларидан кейин, учинчи куни ўғиллари, буюк бобомиз Улуғбекнинг отаси Шоҳруҳ хазинага кирганларида битта ҳам нарса бўлмаган. Аммо иймон саломат, иймон барқарор бўлган.

РАМАЗОН ОЙИ ЯҚИН.



РАМАЗОН ОЙИДА ЎҚИЛАДИГАН ҲАФТАЛИК ДУОЛАР

Рамазон ойида шу зикрларни айтиб юрилади:

1. **Жума** кунлари минг бора «Оллоҳ, Оллоҳ - деб тасбеҳ айтилади. 2. **Шанба** кунлари минг бора «Ла илаҳа иллаллоҳ» калимаи тавҳиди айтилади. 3. **Бозор** кунлари минг бора «Ия Ҳаййу, ия Қойюм», дейилади. 4. **Душанба** кунлари минг бора «Ла ҳавла ва ла қуввата илла биллаҳил алиййилазим», дейилур. 5. **Сешанба** кунлари минг бора «Жазаллоҳу анна Муҳаммадан саллоллоҳу алайҳи вассалам ма ҳува аҳлиҳ» дейилади. 6. **Чоршанба** кунлари минг бора «Астағфируллоҳил-азийм ва атубулайҳи» деб истиғфор айтилади. 7. **Пайшанба** кунлари минг бора «Субҳаноллоҳи ва биҳамдиҳи Субҳаноллоҳил-азийм», деб айтилади.

Аллоҳ таоло учун иҳлосим бирла рамазон ойининг рўзасини субҳдан кун ботгунча тутмоқликни ният қилдим. Аллоҳу акбар.

Эй, бор Худоё, ушбу рўзамни фақат Сенинг учун тутдим ва Сенга иймон келтурдим ва Сенга таваккал қилдим ва Сенинг берган ризқинг билан ифтор қилдим. Эй, гуноҳларни авф қилувчи Аллоҳ, менинг аввалги гуноҳларимни ва кейинги гуноҳларимни мағфират қилгил ва ярлақагил.

РЎЗА ТУТИШ (ОҒИЗ ЁПИШ) НИЯТИ

Навайту ан асума савма шаҳри рамазана минал фажри илал мағриби, холисан лиллаҳи Таала. Аллоҳу акбар.

Рамазон	ноябр декабр	ҳафта кунлари	саҳарлик тугаши	ифтор вақти	қайд учун
1.*	28	Сешанба	5:42	16:59	
2.	29	Чоршанба	5:43	16:59	
3.	30	Пайшанба	5:44	16:59	
4.	1	ЖУМА	5:45	16:58	
5.	2	Шанба	5:46	16:58	
6.	3	Якшанба	5:47	16:58	
7.	4	Душанба	5:48	16:58	
8.	5	Сешанба	5:49	16:58	
9.	6	Чоршанба	5:50	16:58	
10.	7	Пайшанба	5:51	16:57	
11.	8	ЖУМА	5:52	16:57	
12.	9	Шанба	5:53	16:57	
13.	10	Якшанба	5:54	16:57	
14.	11	Душанба	5:55	16:58	
15.	12	Сешанба	5:56	16:58	
16.	13	Чоршанба	5:56	16:58	
17.	14	Пайшанба	5:57	16:58	
18.	15	ЖУМА	5:58	16:58	
19.	16	Шанба	5:58	16:59	
20.	17	Якшанба	5:59	16:59	

ИФТОРЛИК (ОҒИЗ ОЧИШ) НИЯТИ

Аллоҳумма лака сумту ва бика аманту ва алайка таваккалту ва ала ризқиқа афтарту, ғафирли Ё. Ғаффору ма қаддамту ва ма аҳхарту.

Рамазон	декабр	ҳафта кунлари	саҳарлик тугаши	ифтор вақти	қайд учун
21.	18	Душанба	6:00	16:59	
22.	19	Сешанба	6:00	17:00	
23.	20	Чоршанба	6:01	17:00	
24.	21	Пайшанба	6:01	17:01	
25.	22	ЖУМА	6:02	17:01	
26.	23	Шанба	6:02	17:02	
27.	24	Якшанба	6:03	17:02	
28.	25	Душанба	6:03	17:03	
29.	26	Сешанба	6:04	17:04	
30.	27	Чоршанба	6:04	17:04	

Тошкент вақти билан тафовут (дақиқа ҳисобида):
Аввал: Андижон — 13, Жамбул — 7, Наманган — 10, Термиз — 2, Фарғона — 10, Хўжанд — 6, Қўқон — 7, Уш — 14.
Кейин: Бухоро +21, Гулистон +7, Жиззах +6, Навоий +19, Нукус +42, Самарқанд +9, Тошҳовуз +40, Туркистон +4, Урганч +37, Хива +35, Чимкент +3, Қарши +11.

*Изоҳ: Рўзанинг бошланиши Ой кўринишига қараб бир кунга фарқ қилиши мумкин.

МУНАҲЖИМАД ТАБИРИ

ҲАФТАНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИДА

ҚЎЙ (21.03-21.04). Бу ҳафта сиз учун ўртача тарзда кечади. Негаки, ҳафтанинг чоршанба ва жума кунлари оғирроқ келади. Пайшанбада лақиллатиб кетишларидан эҳтиёт бўлинг. Ҳафтанинг боши ва охири хайрли келиши кутилади.

БУЗОҚ (22.04-20.05). Юлдузлар ҳолати бу ҳафта сиз учун ниҳоятда қулай келишидан дарак бермоқда. Айниқса, ҳафтанинг пайшанба ва жума кунлари молиявий ҳолатингизни ўнглаб олишга қулай. Шу сабабли ҳам дам олиш кунларини жуда кўтаринки кайфиятда ўтказасиз.

ЭГИЗАКЛАР (22.05-21.06). Ҳафта бошида кўнглингизга ёққан харид қилдингиз. Чоршанба ажойиб хушхабарлар эшитасиз. Жумада чўнтагингизга пул тушса, асло ажабланманг. Дам олиш кунларини юксак кўтаринкилик кайфиятда ўтказасиз.

ҚИСҚИЧБАҚА (22.06-22.07). Кўнглингиз чўкмасину, лекин бу ҳафта сизга бироз оғирроқ келиши кутилмоқда. Ҳафтанинг бошида ва пайшанба кунлари машқингиз бироз паст бўлади. Жума ва шанбада эса жанжалли ҳолатларга рўбарў келишдан четлашинг.

АРСЛОН (23.07-22.08). Ҳафтанинг бошида ажойиб хушхабарлар эшитиб, кўнглингиз чоғ бўлди. Чоршанбада, Худо хоҳласа, пулингиз кўпайиб қолади. Пайшанба куни ҳам кўтаринки кайфият ҳамроҳингиз бўлади. Шанба ва якшанба кунлари ҳам хайрли келиши мумкин.

ПАРИЗОД (23.08-22.09). Ҳафтанинг биринчи ярмидаги зиддиятли ҳолатлар сизни бироз толиқтирди. Лекин бу вазият жума кунидан бошлаб ижобий томонга қараб ўзгаради. Қолган кунларда яхши буюмлар харид қилишингиз, чўнтагингизга пул кириши ҳамда ишқий саргузаштлар гирдобига шўнғишингиз мумкин.

ТАРОЗИ (23.09-22.10). Ҳафта сиз учун яхши келиши кутилмоқда. Сиз бу кунларда тахайюл мойидан қониб-қониб симирасиз. Жума ва шанба кунларида ишқий можаролар домида чарх урасиз. Пайшанбада молиявий аҳволингизни ўнглаб олиш имкони туғилади.

ЧАЁН (23.10-22.11). Бу ҳафта юлдузлар яхшиликдан дарак бераяпти. Ҳафта тўла-тўкис кўтаринки кайфиятда ўтади. Пайшанба ва шанба кунларида ўзингизни енгил сезасиз. Дам олиш кунларида кўнгилдагидек ҳордиқ чиқарасиз.

ЎҚОТАР (23.11-21.12). Чоршанбада кайфиятингиз яхши бўлади. Пайшанбада амалий учрашувларда бўлишингиз мумкин. Шанбада эса ишқий саргузаштлар завқидан масрур бўласиз. Якшанбада лақиллатиб кетишларидан эҳтиёт бўлинг.

ТОҒ ЭЧКИСИ (22.12-19.01). Пайшанба ишқий учрашувлардан дилингиз қувончга тўлади. Жума кунидан бошлаб сал ўзингизни лоҳас сезасиз ва шанбада бирон можароли вазиятга тушиб қолишингиз эҳтимоли бор. Якшанбада аҳвол яхши томонга ўзгаради.

ҚОВҒА (20.01-18.02). Ҳафта бир маромда ўтади. Чоршанбада соғлиғингиз хусусида ўйлашга тўғри келади. Жумада бирон жанжалга аралашиб қолишдан сақланинг. Шанба ва якшанба кунларида ҳордиқ чиқариб, чарчаган асабларингизга дам беринг.

БАЛИҚ (19.02-20.03). Ҳафта сиз учун хайрли келиши кутилмоқда. Чоршанбада хушхабарлар тинглайсиз. Жумада чўнтагингизга пул тушиши эҳтимоли бор. Шанбада соғлиғингиз хусусида ўйлашга тўғри келади.

Тўра ЖУМАН

КЕКСА ҚАЛБ МАВЖИ

ДАРАК ЙЎҚ,

Ўқимаган кишида улуғликдан дарак йўқ,
Бадхулқнинг ранги совуқ, иликликдан дарак йўқ.

Илмсиз нодон бўлар деб бежизга айтилмас,
Унинг тушунчасида тўлиқликдан дарак йўқ.

Ҳақиқий меҳнаткашнинг экинлари серҳосил,
Дангаса экинида бўлиқликдан дарак йўқ.

Буюкка айланади кўп ўқиганлар, Тўра,
Ўқимаган кишида улуғликдан дарак йўқ.

АҚЛИ ЗИЙРАКЛАШАДИ

Инсон ишга келганда ақли зийраклашади,
Суҳбатга қўшилганда ақли зийраклашади.

Текин ўлжаси борлар совурар бойлигини,
Бир кун муҳтож бўлганда ақли зийраклашади.

Мўлчилик пайт баъзилар ҳаёсиз ёрни истар,
Ғам-ғуссага тўлганда ақли зийраклашади.

Ҳар ким севган касбига кўрсатади маҳорат,
Тўра ижод қилганда ақли зийраклашади.

ЭГРИДИР

Эгри оиладаги хотинлар ҳам эгридир,
Эгри мўридан чиққан тутунлар ҳам эгридир.

Тўғри дарахтлардаги яримта шох ҳам тўғри,
Қийшиқ дарахтлардаги бутунлар ҳам эгридир.

Онасини кўриб, қизин олгин, зора
Эгри мўридан чиққан тутунлар ҳам эгридир.

АЛЛОҲИМ ШАФҚАТЛИДИР

Тилини тузатганга Аллоҳим шафқатлидир,
Кўнглини тузатганга Аллоҳим шафқатлидир.

Етимларнинг ҳақига, халқ мулкига чанг солмай,
Қўлини тузатганга Аллоҳим шафқатлидир.

Эгри, ҳаром ишлардан ўзни тамоман тийиб,
Йўлини тузатганга Аллоҳим шафқатлидир.

Юрт учун ёниб, яшаб келажакка интилиб,
Элини тузатганга Аллоҳим шафқатлидир.

СКАНВОРД

Шеърий жанр
Курорт шаҳар
Мактабдаги тенглик
Шарқона ичимлик
Азиз неъмат
Аква...
Исм (қиз.)
Қабр
Қиммат эмас
Эртак-сифат ҳикоя
Ёшламас бошда
Ёқилғисиз улов
Фазо
Палов
Гурмуш ўрток
Қора (ант.)
Кам (син.)
Танбур
Инсон органи
Гулпор
Пуфак
АВ
Шикор
Машқур телеюлдуз
Нота
Оқ олтин

MAHALLA га
Ўзбекистон "МАҲАЛЛА" хайрия жамғармасининг нашри

обуна бўлиш учун ҳеч қачон ҳали эрта ёки кеч деб ўйламанг.

ТАБАССУМ ДЎКОНИ

Шаҳарга кираверишдаги ёзувдан:

«Машинангизни эҳтиёткорлик билан ҳайдашни илтимос қиламиз. Доктор ҳам, гўрков ҳам меҳнат таътилида».

***

- Дадам менга машина совға қилдилар.

- Ранги қанақа?

- Қуёш чиқишини кўрганмисан?

- Ҳа.

- Худди шунақаю, фақат яшил.

***

Хотин:

- Вой, дадаси, машинани ортга қайтаринг. Дазмолни ўчиришни унутибман. Уйимиз ёниб кетади...

- Ёнмайди. Мен душни беркитмай чиқибман.

***

Ҳайдовчи тўсатдан бир кишини туртиб юборди.

- Кўзингизга қараб ҳайдасангиз бўлмайдими? Кеча ҳам мени уриб кетгандингиз.

- Кечирасиз, сизни танимабман.

***

- Кеча машинамдан айрилдим.

- Нима, ўғирлашдими?

- Йўқ, хотиним ҳайдовчилик гувоҳномасини олди.

***

Йўловчи ҳайдовчига:

- Машинангизнинг ойнасини артиб қўйсангиз бўлармиди?

- Бунинг фойдаси йўқ.

- Нега?

- Барибир кўзойнагим уйда қолибди.

Статистика органлари томонидан 1996 йил 24 июнда «Козим-Жон» фирмасига берилган хўжалик субъектларини корхона ва ташкилот давлат регистрига қўшиш ҳақидаги гувоҳнома йўқолганлиги туфайли бекор қилинади.

Маълумот учун телефон: 58-14-18.

MAHALLA
Ўзбекистон "МАҲАЛЛА" хайрия жамғармасининг нашри

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Таҳрир ҳайъати:
Шуҳрат ЖАЛИЛОВ
Иброҳим РАҲИМ
Расул РАҲМОНОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Рустам ҚОСИМОВ

Масъул котиб:
Аслиддин БЎРИЕВ

Навбатчи:
Олим БЕГАЛИЕВ

Сахифаловчи:
А. ЮЛДАШЕВ

ЭВМ компьютерида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди.
А-2, 2 босма тобоқ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси, Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41.

Буюртма Г-1037 Топширилди—20.30